36-37 (366-367)

2003 йил 17 сентябр

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 260-кун

2
- Маҳалла маркази муҳташам бўлди
- «Футболимиз келажаги»га ишонамиз!

3
- Бир ёлғонга бир совға.
- «Мен ҳам Аёл эдим-ку?!»

4
- Мирзо Сирожий — сайёҳ, табиб, фалакшунос, тадқиқотчи ва ... журналист эди.
- Уч товламачи тавбасига таянди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2003 йил 18-19 сентябр кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Украинанинг Ялта шаҳрида бўлиб ўтадиган мажлисида иштирок этади.

Ташриф давомида МДҲ доирасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш ва қатор муҳим ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ — МУҲТАШАМ КОШОНА

Барча қулайликларга эга бўлган ҳашаматли бино вилоят "Маҳалла" жамғармаси ихтиёрида бўлади.

Фарғона вилояти

Фарғона шаҳридаги "Буюк ипак йўли" акциядорлик жамияти (илгарги пиллакашлик фабрикаси) томонидан 1975 йилда қурилган маданият саройи йиллар ўтиши билан эскириб, таъмирлашга муҳтож бўлиб қолган эди. Бунинг учун катта маблағ сарфлашга тўғри келарди. "Буюк ипак йўли" акциядорлик жамиятида эса бундай имконият йўқ эди. Вилоят ҳокимлиги ана шу ҳолатни ҳисобга олиб йил бошида бу бинони вилоят "Маҳалла" жамғармаси ихтиёрида бўладиган маҳалла маркази сифатида қайта тиклаш таклифи билан чиқди.

Бу ерда таъмирлаш, қўшимча қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳар ҳамда туманлардаги маҳалла кенгашлари, бир қатор йирик корхона, қурилиш ташкилотлари ёрдамида ҳашар йўли билан амалга оширилди. Вилоят ҳокимлиги бу ишнинг бошида турди.

Ушбу бино икки қаватли бўлиб, биринчи қаватига Фарғона шаҳар "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари бўлинмалари, "Оила" илмий-амалий маркази, иккинчи қаватига эса "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жойлаштирилди. Бино ичида кичик ва катта мажлислар заллари, ташқарисида ёзги клуб, стадион, теннис корти, спорт ва тренажёр заллари ҳамда бошқа хоналар мавжуд.

Бу мажмуада келгусида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган оқсоқол ва котиблар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, педагог-тарбиячи, посбонлар сардорлари ҳамда бошқа ходимлар малакасини ошириш бўйича "Маҳалла зиёси" ўқув марказини очиш режалаштирилган. Ёшлар спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланиб, ўз маҳоратларини оширадилар. Маҳаллалар ҳаётига оид зарур масалалар муҳокама этилади, турли тадбир ҳамда тантаналар ўтказиш ва ҳатто, кам даромадли оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиб бериш режалштирилган.

Ўтган шанба куни вилоятдаги жамики маҳаллалар ишини назорат қилиб, зарур пайтларда уларга йўл-йўриқ ва амалий ёрдам кўрсатадиган ушбу маҳалла Марказининг очилиш тантанаси бўлиб ўтди. Унга вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари, вилоят "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари раислари, илғор маҳаллаларнинг оқсоқоллари, фаоллар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Маҳалла маркази байрамона, Обод маҳалла йилига бағишланган шиорлар, гуллар билан безатилган. Эрталаб очиқ хиёбондаги сўриларда маҳаллалар фаоллари, таклиф этилган меҳмонларга дастурхон тузалиб, ош тортилди.

2-саҳифада

Сурхондарё вилояти

ТОҒЛАР ОШИБ ГАЗ КЕЛДИ

«Шўртан-Шеробод» газ магистрали қурилишининг биринчи босқичи якунланди. Шўртандан тортилган қувурлар Бойсунга бориб уланди. Бу салкам 190 километрли масофа демакдир.

Лойиҳада газ тармоғи аввалги «Келиф-Душанбе» магистралига уланиши кўзда тутилган. «Шўртан-Шеробод» трассаси деб аталувчи ушбу магистрал тўлиқ ишга тушгач, Сурхондарё вилоятида газ таъминоти янада яхшиланади.

Магистрал қурилиши жадал олиб борилди. Бош пудратчи - «Ўзнефтгазқурилиш» ҳиссадорлик компанияси 23 миллиард сўмлик иш бажарди. «Ўзтрансгаз», «Ўзавтойўл», «Бухорогазсаноатқурилиш» каби кўплаб пудратчи ташкилот ва ҳиссадорлик жамиятлари қурувчиларининг улуши ҳам катта бўлди.

Юқори босимли газ қувурини Деҳқонобод ва Бойсун туманларининг баланд тоғларидан, дараю қояларидан олиб ўтиш, пайвандлаш осон бўлмади. Аммо қурувчиларимиз барчасининг уддасидан чиқди.

Чори ТЎХТАЕВ.

САМАРҚАНДНИНГ ЧЕМПИОН БОЛАЛАРИ

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Олимпия заҳиралари шахмат-шашка спорт мактабини мамлакатимизда яхши билишади. Ушбу мактабда сабоқ олган Тоҳир Воҳидов, Марат Жумаев, Шуҳрат Сафин, Иброҳим Ҳамроқулов сингари шахматчилар халқаро гроссмейстер даражасигача чиққан спортчилар.

Ҳозир уларнинг ишини шогирдлари давом эттирмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ушбу мактаб шахматчилари ўзларининг нималарга қодир эканлигини яна бир бор исботлади. Мусобақа низомида ўз гуруҳида биринчиликни қўлга киритган шахматчи жаҳон биринчилигига, иккинчи ўринга сазовор бўлган спортчи эса Осиё чемпионатига йўлланма олиши кўзда тутилган эди. Шу боис шахмат тахтаси устидаги курашлар жуда муросасиз кечди.

Хусусан, ўн ёшли болалар ўртасидаги мусобақада самарқандлик шахматчи Жаҳонгир Воҳидов Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди.

- Шахмат ўйнашни ўрганганимда ҳали мактабга ҳам бормасдим, - дейди ёш чемпион. - Биринчи устозим - отам Тоҳир Воҳидов. Амакиларим ҳам, оиламизнинг бошқа аъзолари ҳам шахматни жуда севишади.

Жаҳонгирнинг бу гапларини ушбу мусобақада ўн ёшли қизлар баҳсларида оиланинг яна бир вакиласи - Фарангиз Воҳидованинг учинчи ўринга муносиб топилгани ҳам исботлайди. Мусобақаларда спорт мактабининг бошқа ўқувчилари ҳам яхши иштирок этди. Ўн тўрт ёшлилар ўртасида Жамшид Мустафоев мутлақ ғолибликни қўлга киритган бўлса, унинг акаси Хўршид Мустафоев учинчи ўринга сазовор бўлди.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида ўтган «Опен-2003» халқаро шахмат турнирида ҳам Воҳидовлар сулоласининг яна бир вакили Нодир Воҳидов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Ўн бир ёшли шахматчимиз тўққиз имкониятдан етти очко жамғариб, бош совринни қўлга киритди. Эътиборлиси, у охирги турда Амирликлар вакили, халқаро спорт устаси Ганем Ал Салетийни мағлубиятга учратди.

Акбар ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири

Муносабат: "Ўз қилмишларига боқмай ноғора қоққан оқсоқол" 6 август

«ОҚСОҚОЛ — ОҚСОҚОЛЛИККА МОС БЎЛСИН-ДА!»

Муборак туман ҳокимлиги, туман "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари Кенгаши аъзолари томонидан "Mahalla" газетасининг 6 август сонида босилган "Ўз қилмишларига боқмай ноғора қоққан оқсоқол" сарлавҳали танқидий мақола тўлиқ ва батафсил ўрганиб чиқилди.

Ушбу танқидий мақола ўз вақтида чоп этилганлиги, бўлаётган воқеаларга нисбатан холисона баҳо берилганлиги ва Ёшлик маҳалласи оқсоқоли бўлиб ишлаган Туроб Жумаевнинг оқсоқолликка хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари очиқ-ойдин танқид қилинганлиги тўлиқ эътироф этилди.

Мақола туманда фаолият кўрсатаётган барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, кенгаш аъзолари, маслаҳатчилар, уй боши ва кўча бошилар иштирокидаги йиғилишларда ҳам муҳокама қилинди. Йиғинларда сўзга чиққанлар томонидан Т.Жумаевнинг қилмишлари, юқори раҳбариятга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги қаттиқ қораланди. Муҳокамаларда қатнашганлар - Ёшлик маҳалласи йиғининг 2003 йил 19 апрелдаги 1-сонли йиғин қарори (Т.Жумаевни бу вазифадан озод қилиш ҳақидаги - ТАҲРИРИЯТ) ўз кучида қолишлигини ва айнан йиғин қарори чиққан кундан эътиборан маҳалла раислигидан озод қилиниши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида аниқ хулосаларини билдирганлар.

Ёшлик маҳалласи фуқаролар йиғини 2003 йил 25 август куни ўзининг кенгайтирилган кенгаш йиғинини ўтказди ва унда яқдиллик билан Абдираим Меҳмонов маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

Туман ҳокимлиги бундан буён ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, маҳалла оқсоқолларини доимо қўллаб-қувватлашга "Mahalla" газетаси таҳририятини ишонтиради.

П.АЛЛАҚУЛОВ,
Муборак тумани ҳокими.

Шунингдек, таҳририятга Муборак шаҳар Ёшлик маҳалла фуқаролар йиғинидан, шу маҳалла йиғини кенгаш аъзолари ва уй бошқарувчиларидан, Муборак тумани Қарлиқ қишлоқ фуқаролар йиғинидан, тумандаги Қурувчилар маҳалласи фуқаролар йиғинидан, Муборак шаҳар Геолог маҳалласи фуқаролар йиғинидан ҳам ушбу мақола муҳокама қилинганлиги ҳақида мактублар келди. Уларда оқсоқол, унинг қандай бўлиши ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, "Mahalla" газетасида эълон қилинган мазкур мақоладаги салбий ҳолатларга йўл қўйган оқсоқолнинг фаолиятига тегишли баҳо берилган.

● Журьат

СПОРТ ЛИБОСИНИ КИЙИШ... УЯТМИ?

Аслида спортга қизиқмайдиган киши бўлмаса керак. Ўзбек қизларининг спортга бўлган муносабатига келсак, хусусан, қишлоқ жойларидаги аҳвол шаҳардагидан тубдан фарқ қилади.

Яхши биламанки, менинг тенгдош дугоналарим спорт билан шуғулланишни астойдил исташади. Шуғулланишади ҳам: фақат мактабда - жисмоний тарбия дарсларида. Бошқа вақт эса рўзғор юмушлари билан бўлиб ёки бошқа сабаб туфайли бунга имкон топилмайди.

Қалбида спортга нисбатан меҳри борлу, аммо атрофдагилардан ийманиб спорт майдончасига чиқолмайдиган тенгдошларимиз кўп. Улар учун спорт либосида югуриш, сакраш уятли машғулот гўё.

Нега энди қиз болалар ҳам эпчил, чаққон, хушқомат бўлмаслиги лозим? Қолаверса, спортнинг саломатлик учун нечоғли фойдали эканлиги ҳаммага маълум.

Жамиятда бирор соҳа тараққий этиши, жонланишида қулай шарт-шароит ва барқарор муҳит муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан биз ёшларнинг соғлом бўлишимиз, спорт билан шуғулланишимизга шунча эътибор кўрсатилаётган бир пайтда, жойларда бунга эътиборнинг сустлиги, аксарият ҳолларда ота-оналарнинг қизларини спортга бўлган қизиқишига йўл бермаслик ҳолатлари мавжудлиги ачинарли эмасми?

Тан олиш керак, шу кеча-кундузда вилоятимизда қиз болаларни спортга жалб этиш ишлари қониқарли эмас. Тўғри бизнинг Мирзо Улуғбек номли ихтисослашган мактабда аҳвол анчайин яхши. 2 та спорт зали, 1 та спорт майдончаси, спорт анжомлари мавжуд. Ўқитувчи мураббийларимизнинг касб маҳорати ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Афсуски, тумандаги барча илм даргоҳлари хусусида ҳам бундай фикр билдириб бўлмайди.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, қиз болаларни спортнинг нафис турларига жалб қилиш учун оила, маҳалла ва мактабларда тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш лозим. Ота-оналарга, қиз болаларининг ўзларига спортнинг улар ҳаёти, саломатлиги, келажаги учун нечоғли аҳамиятли эканлигини кенгроқ тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Мен севимли газетамиз орқали бу тўғрисида бошқа вилоятлардаги тенгдошларимнинг фикрларини билиш истагидаман.

Гулноза ЭГАМБЕРДИЕВА.
Косон тумани.

Обуна-2003

Mahalla

-Яна нима дейди?
-Маҳалла марказини кўриб қўйинг, дейди!

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

ЧИЛИСОЙДАН ХАВОТИРДАМИЗ!

Бўстон маҳалласи Бўка туманидаги нуфузли маҳаллалардан биридир. Маҳаллада уч мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Улар 776 хонадондан иборат.12 миллат ва элатга мансуб фуқаролар бир оила аъзоларидек яшашади. Улар яхши меҳнат қилганликлари туфайли турмушлари фаровондир.

Маҳалланинг шарқий қисмидан ғарбига қараб оқиб ўтадиган Чилисой 4 нафар хўжалик ҳудудидан ўтиб, Сирдарёга қуйилади. Ташвишланарли жойи шундаки, Гулистон ширкат хўжалигидаги ҳовузни кимдир очиб юборган ёки сув «уриб» кетган. Оқибатда Чилисойнинг 18-20 километр масофасида бир-бир ярим терак бўйи чуқурлик ҳосил бўлган. Ёнига эса 4-6 терак бўйи емирилган. Емирилиш шу кунга келиб, Тошкент-Бекобод трасса йўлига қадалиб турибди. Маҳалла кишилари сойнинг 2-3 жойига кўприк қилишган эди. Лекин бу кўприклар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Агар кўприклардан бири қуласа, сой сувининг «бебошлиги» тутиб, 50-60 хонадонга зарар келтириши мумкин. Трасса емирилса, қатновга халақит бериши турган гап.

Тегишли ташкилотлар фалокат содир бўлмасдан, унинг олдини олишларини сўрар эдик.

Маҳалла аҳли номидан
Бўстон маҳалласи раиси: Нуриддин САЛОҲИДДИНОВ.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

«ҚОРА ЧИГИРТКА» ҚУРБОНЛАРИ

Корея яриморолининг жанубий соҳилида табиий офат содир бўлди. «Маэми» тўфони Корея Республикасига жуда катта зарар етказди. Хабарларга қараганда, қурбонлар сони тўқсон олти нафарга етган. Бироқ мутахассислар ҳалок бўлганлар сафи яна ҳам кенгайиши мумкинлигини айтмоқда. Чунки ҳозиргача бедарак йўқолганларнинг ўзи йигирма беш нафарга етиб турибди.

Корейс тилидан таржима қилинганда «қора чигиртка» маъносини англатувчи мазкур тўфоннинг тезлиги секундига олтмиш метрга тенглашган. «Маэми», айниқса, мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, етказилган зарар бир триллион уч юз тўқсон миллион вонга (1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ) тенг деб тахмин қилинаётир. Уни тўлиқ ҳисоблаб чиқиш учун эса Жанубий Корея ҳукуматига камида икки ҳафта керак бўлади.

Маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида беш мингта яқин тураржой биноси сув остида қолиб кетган. Саккиз мингдан зиёд одам бошпанасиз қолган. Шунингдек, етти юзга яқин автомобил йўли ва йигирма еттита кўприк батамом ишдан чиқди. Минглаб гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етди.

Бундан ташқари, тўфон Пусан шаҳри портидаги оғир контейнерларни юклашга мўлжалланган оғир кўтарма кранларга жиддий шикаст етказди. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, уларни таъмирлаш учун ўн беш ойдан зиёдроқ вақт керак бўлади.

Бўрон вақтида денгизда бўлган тўрт юз эллик олти кема қирғоққа суриб чиқарилган. Шунингдек, соҳилбўйи ҳудудлардаги электр тармоқлари ва уч мингдан зиёд радиоалоқа станцияси зарар кўрди. Бешта атом электр станцияси ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Оқибатда мамлакат жанубидаги бир ярим миллиондан ортиқ хонадон электр таъминотидан маҳрум бўлди.

«Маэми» куни кеча Россиянинг Камчатка яриморолари жанубий соҳилларига ҳам яқинлашди. Ушбу ҳудудда бир кеча-кундуз мобайнида ёмғир тўхтамади, секундига йигирма метр тезликда шамол эсиб турди. Барча тезкор қутқарув хизматлари ва Тинч океани флоти шахсий таркиби мазкур хавфдан огоҳлантирилди. Камчатка метереология маркази бўрон кутилмаганда йўналишини ўзгартирганини қайд этди. Метереологларнинг фикрига кўра, «Маэми» Тинч океани томонга силжиб, ўша ерда ғойиб бўлиши керак. Маълумотларга қараганда, Камчатка ҳудуди тўфон таъсиридан зарар кўрмаган ва аҳоли орасида қурбонлар йўқ.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

(Давоми. Аввали 1- бетда)

Фарғона вилояти

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ - МУҲТАШАМ КОШОНА

Соат 9. Таклиф этилган меҳмонлар марказ биносининг асосий кириш эшиги олдида саф тортди. Миллий либосдаги қизлар меҳмонларни кутиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоевга сўз берилди. У Обод маҳалла йилида республикада амалга оширилган улкан ишлар ҳақида гапириб, йиғилганларни вилоят маҳалла марказининг очилиши билан қизғин табриклади. Фарғоналикларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, вилоят ҳокими Алишер Отабоев, Фарғона шаҳридаги Ифтихор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Ёқубов ва бошқалар табриклашдилар.

Рамзий лента қирқилди ва меҳмонлар "Маҳалла" жамғармаси вилоят, шаҳар бўлимлари, "Нуроний" жамғармасининг Фарғона шаҳар бўлими, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла зиёси" ўқув маркази ҳоналари билан таништирилди.

Муҳташам бинода вилоят шаҳар ва туманларидаги илғор, намунали маҳаллалар ҳаёти ҳамда фаолиятини акс эттирувчи стендлар, тадбиркорлар ишлаб чиқарган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ўрин олган эди. Меҳмонлар уларни томоша қилдилар. Спортнинг ҳар хил турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилаётган кўрик-танловларнинг ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди. Унда ўн уч йўналиш бўйича кўрик-танловларнинг якуний натижасига кўра ғолиблар эълон қилинди.

Данғара тумани "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси Коммунал хизмат тўловларини тўплаш бўйича агентлик ишини энг яхши ташкил этган "Маҳалла" жамғармаси" кўрик-танлови ғолиби деб топилган эди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бўлинма раиси Кимёхон Имомалиевага "Матиз" автомашинасининг калитини топширди. Фарғона шаҳридаги 10-маҳалла раиси Расулжон Тожибоев "Энг фаол маҳалла раиси", Ўзбекистон туманидаги Охунқайнар маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Ўғилхон Акрамова "Энг фаол хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси" кўрик-танлови ғолиби деб топилган эди. Уларга телевизор мукофот қилиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзам Гадойбоев вилоят ҳокими Алишер Отабоева "Обод маҳалла йили" дастурини амалга оширишда алоҳида намуна кўрсатгани учун «Маҳалла жонкуяри» мукофотини

тантанали равишда топширди.

Фарғона шаҳридаги Ўрмончилар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азаматжон Йўлдошев "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли", Тошлоқ туманидаги Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турғунбой Мирзаев "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли", Қўқон шаҳридаги Ялонғоч ота маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наримон Алиев "Энг фаол маҳалла раиси", Марғилон шаҳридаги Ўрда таги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммаджон Аҳмаджонов "Маҳаллага энг кўп улуш қўшган тадбиркор" кўрик-танловларининг ғолиблари деб топилган эди. Уларга ҳам мукофотлар топширилди.

Тошлоқ туманидаги Заркент маҳалла фуқароллар йиғини раиси Абдумалик Юсупов "Энг обод маҳалла", Фарғона туманидаги Бўстон маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Раҳимбобоев кўчаси, 5-уйда яшовчи Абдумалик Ҳалимовлар оиласи "Намунали оила", Фарғона шаҳридаги Ўрмончилар маҳалласи фуқаролар йиғинига қарашли Ўрмончилар кўчаси, 67-уйда яшовчи Толибжон Абдусаломовлар оиласи "Соғлом оила", Фарғона шаҳридаги Шароф Рашидов номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги спорт мажмуини ташкил этишда фаол қатнашган спортчи-тренер Шавкатжон Мусофиров "Спорт ташкилотчиси" кўрик-танловлари ғолиблари деб топилган эди. Уларга мукофотларни вилоят ҳокими Алишер Отабоев топширди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг истеъдодли санъаткорлар - Қобилжон Юсупов, Нуриддин Асқаров, Валижон Қодиров, "Қир гуллари" ансамбли, "Қизлар давраси"телевизион кўрсатуви қатнашчилари ижросида концерт берилди, қўқонлик либос устаси Дилором Умархонова раҳбарлигида тикилган миллий либослар намойиш этилди.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Суратларда: Маҳалла марказининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Шамсиддин ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

"ГУЗАР УЧУН ИИБга РАҲМАТ!"

Бундай миннатдорчиликни Ўзбекистон туманидаги Абдураҳмон Жомий номли маҳалла аҳли айтмоқда

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳридаги Абдураҳмон Жомий маҳалласида каттагина майдон бўш ётар, гоҳида оқшомлари унда маст-аласт, бекорчилар тўпланиб қолишарди. Майдон маҳалла оқсоқоли, фаоллари ташаббуси билан чиқиндилардан тозаланар, лекин кўп ўтмай яна кўримсиз ҳолатга келиб қоларди. Бу ерга бирон фойдали иншоот қуриш керак, деган фикр маҳалла фаоллари ва оқсоқолининг кўнглида бор эдию, лекин маблағ топиш муаммоси кўндаланг эди.

Буни қарангки, айни кунга келиб ташландиқ майдон ўрнида муҳташам гузар тикланиб, унда маҳалла идораси, милиция таянч пункти жойлашган. Албатта, бу иншоот ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмади. Бу ерда гузар қуриш таклифи Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими томонидан қувватланиб, бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Халилжон Ҳазратқуловнинг бош-қош бўлгани туфайли қурилиш ишлари жонланиб кетди. ИИБ ходимлари ҳатто қурилиш ишларида ҳам енг шимариб ишладилар. Қарабсизки, бир йилу икки ой деганда ташландиқ ахлатхона ўрнида муҳташам гузар қад кўтарди. 1,5 гектар майдон боғ-роғга айлантирилди, гузар олдида эса катта стадион барпо этилди. Бир пайтлар баъзи бир бекорчи улфатларга макон бўлган жой маҳалла марказига - ижтимоий-маданий тадбирлар ўтказиладиган иншоотга айланди.

— Гузар қурилиши маҳалламиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан биридир, - дейди маҳалла оқсоқоли Ўктам Маҳмудов. - Маҳалламиз аҳлининг қувончи чексиз, айниқса ёшларимизни айтмайсизми, улар бўш вақтларини спорт майдонида, турли машғулотлар билан шуғулланиб мароқли ўтказмоқдалар. Боғнинг барпо бўлиши нур устига аъло нурдир. Бугунгача боғимизга 1000 туп мевали дарахт экилди. Туманимиз Ички ишлар бўлими мутасаддиларидан гузар учун жуда миннатдормиз.

МУХБИРИМИЗ.

● Маҳалла футбол майдонларида

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ»-2003

Ёзги таътилни маҳалла ўсмирлари футбол мусобақаларининг қувончу ташвишлари оғушида ўтказдилар. Бугун эса бу баҳсларнинг энг ҳаяжонли онлари.

Бир неча йилдан бери Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан анъанавий тарзда ташкиллаштирилаётган «Футболимиз келажаги» футбол турнири мусобақалари йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Чунки мусобақалар уч йўналишда - 11-12, 13-14, 15-16 ёшли ўспиринлар ўртасида ўтказилмоқда. Шунга кўра, айни кунларда юртимиздаги аксарият маҳаллаларда иккита ёки учтадан футбол командалари тузилган. «Обод маҳалла йили» дастурига асосан маҳаллаларимизда спорт иншоотлари, стадионлар қурилди, борлари таъмирланди, футбол жамоалари спорт анжомлари ва либослари билан таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Футболимиз келажаги» мусобақаларини ташкиллаштиришда ҳамкорлик қилаётган давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар сафи ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу ҳам ўз-ўзидан ушбу мусобақаларнинг нуфузи ортишига хизмат қилмоқда. Бу ташкилотлар сафида Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Футбол федерацияси, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари каби ташкилотлар ва бир қатор халқаро жамғармалар бор. Энг муҳими, ушбу мусобақалар ёшларни жисмонан ва маънан соғлом тарбиялаш ишига катта улуш бўлиб қўшилмоқда. Улар футбол билан шуғулланиб нафақат жисмонан чиниқадилар, балки ўз маҳаллалари шарафини ҳимоя қилиш баробарида ватанпарварлик, ғурур ва матонат каби олийжаноб туйғуларни ҳам ўзлаштирадилар.

Ушбу йилнинг 7-10 сентябр кунлари Бухоро шаҳридаги Марказий ўйингоҳда турнирнинг 15-16 ёшлилар ўртасида республика миқёсидаги якуний финал мусобақалари бўлиб ўтади. Унда Бухоро, Андижон, Сурхондарё ҳамда Жиззах вилоятлари жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бухоро вилояти жамоаси республика якуний мусобақалари ғолиби бўлди.

Бугун Тошкентдаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида турнирнинг 11-12 ёшлилар ўртасида якуний баҳс бўлиб ўтади. Кеча пойтахтимизда МҲСК ўйингоҳида шу ёшдаги футболчиларнинг ярим финал баҳси бўлди. Унда Хоразм вилояти Хазорасп тумани Авшар маҳалласи жамоаси Наманган шаҳрининг Шарқ тонги маҳалласи жамосини 4:1 ҳисобида мағлуб қилди. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Уста Нормат маҳалласи жамоаси эса Самарқанд вилояти Иштихон тумани Д.Маҳмудов номли маҳалла жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Бу икки жамоа бугун финалда баҳслашади.

Мухбиримиз.

● Орденли оқсоқоллар

Андижон вилояти

ҚАЕРДА АҲИЛЛИК - ШУ ЕРДА БАРАКА

Марҳамат туманидаги Қора-қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида ўнта маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд.

Ўттиз мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган ушбу ҳудудда Обод маҳалла йили муносабати билан бир талай ишлар амалга оширилдики, булар Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига муносиб тўёна бўлди. Аввало, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадзокир Эргашев ҳамда котиб Зайнобиддин Болтаевларнинг етакчилик борасидаги ишлари мақтовга лойиқ. Шу боисдан ҳам ўнта маҳаллада «Обод маҳалла йили» дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари туманда намунали деб топилди. Маҳаллалардаги ташкил этилаётган ҳар бир тадбир ўз натижаси билан маҳалла аҳлини ҳам қувонтираётир. Гаргар маҳалласидаги «Қулмонбува» қабристони таъмирланиб, тунги ёриттич чироқлари ўрнатилиб, зиёратчилар учун ўриндиқлар тайёрланган бўлса, Жийдамазор маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий бинога эга бўлди. Оқбошда эса, маҳалла стадиони ишга тушди.

Энг қувонарлиси шуки, Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан Темур Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турғунбой Бозоров «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Аҳиллик бор жойда барака бўлади, деб бежиз айтишмаган. Қорақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини ўрамидаги шифохона таъмирталаб бўлиб иш фаолиятини тўхтатди. Бундай салбий ҳолат барчани сергаклантирди. Ахир, иссиқ жон, билиб бўлмайди. Зарурат туғилганда туман марказига қатнашга тўғри келди.

Мазкур маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон ҳожи Юнусалиев котиби Ўткирбек Ўриновлар дарҳол маҳалла фаоллари билан бу борада гаплашди. Аҳолига тушунтирилди. Натижада таъмир учун етарли маблағ тўпланди. Усталар иш бошлашди. Касалхона таъмирлаб бўлинган кунларида яна бажарилиши лозим бўлган ишлар чиқиб қолди. Худди шу пайтда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарлари бу ижобий ишдан қувониб маҳалла жамғармаси ҳисобидан бир миллион сўм пул ўтказиб берди. Ана шундан кейин шифохона ишга тушиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Сойибжон СОБИРОВ.

Суратда: «Дўстлик» ордени соҳиби Турғунбой БОЗОРОВ маҳалладошларини «Mahalla» газетасининг янги сони билан таништирмоқда.

Самарқанд вилояти

ИШЛАШНИ ХОҲЛАГАН - ИМКОН ҚИДИРАДИ ВА ТОПАДИ

Маҳалла иши - умумхалқ иши. Ушбу йилнинг Обод маҳалла йили деб номланиши ўз-ўзини бошқариш органлари зиммасига катта масъулият юклади. Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги мавжуд 56 та маҳалланинг 49 таси ўз бино ва хоналарига эга бўлиб, қолган 7 та маҳалла йиғинига ҳам марказлар қурилиши аллақачон бошлаб юборилди. Ушбу қурилишга вилоят ҳокимлиги томонидан 1000 дона шифер берилди. Мустақиллик байрами арафасида уларнинг деярли барчаси ишга тушди. Мазкур қурилишлар оқсоқоллар ва фаолларнинг, шунингдек, маҳалла аҳлининг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳашар йўли билан амалга оширилмокда.

Халқимизда «Ишлаганнинг юзи ёруғ» деган нақл бор. Тумандаги Н.Ўринов, А.Темур, О.Абдураҳимов номли, Олтиўғил, Бирлик, Беклар, Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари таъмирдан чиқарилди. Кам таъминланган оилаларга туман ҳокимлиги қарори билан 20 сотихдан ер ажратилди.

Шунингдек, ёшларни тўгаракларга, спортга жалб этиш, ишсизларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Тинчлик маҳалла фуқаролар йиғинида ишга туширилган дурадгор, зардўзлик, каштачилик, қандолатчилик цехида 50 нафар ёш иш билан таъминланди. Бундан ташқари туманнинг иқтидорли ёшлари ўз тумани, маҳалласининг обрўйини кўтаришга ҳиссаларини қўшмоқдалар. Халқабод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нулуфар Сафарова, Жасур Сафаровлар каратэ бўйича Республика мусобақаларида фахрли 1-ўринни эгаллашди ва олтин медаль соҳиби бўлишди. Худди шу маҳалладан Сарвиноз Бердиева эса қўшиқ кўригида иштирок этиб, республикада 2-ўринни олди. Бундай иқтидорли ёшлар барча маҳаллаларда кўплаб топилади.

Иброҳим ИСОҚУЛОВ, «Маҳалла» жамғармаси Нарпай тумани бўлинмаси раиси.

● Яхши ниятли одамлар

Сурхондарё вилояти

ТЕРМИЗГА ҲАМ ГУЛЛАР ЯРАШДИ

- Термиз гуллар шаҳри бўлишини, ҳамшаҳарларимизнинг турфа гуллар жилосидан завқ-шавқ олишини кўргим келади, - дейди Термиз шаҳридаги Учкун маҳалласи йиғини раиси Маҳмуджон Шарипбоев.

Демак, суҳбатдошимиз Маҳмуджон Шарипбоев гуллар шаҳри Наманганда тавалуд топган, тақдир тақозоси билан Термиз шаҳрига келганига ҳам қарийб ярим аср бўлибди.

- Яширишнинг ҳожати йўқ. Термиз ақл бовар қилмайдиган даражада иссиқ бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эканман, - эслайди Маҳмуджон ота. - Теша Сайдалиев деган хассос шоир Термизга таъриф бериб, "Иссиғининг тафтига тухум пишади", деганича бор экан. Бундай иқлим шароитида яшаб, меҳнат қилишнинг ўзи жасорат. Ҳозир шаҳарнинг қай бир кўчасидан, гузаридан юрманг, кўкка бўй чўзаётган ям-яшил арчаларга қараб дилингиз яйрайди. Фақат йўл ёқалари бўйлаб эмас, шаҳарнинг ҳар бир хонадонига, ҳар бир ташкилот ҳовлисида яшил арчалар гуркираб ўсаётганлиги ҳамшаҳарларимиз табиат гўзаллигига гўзаллик қўшиш иштиёқида эканликларидан гувоҳлик бериб турибди.

- Арча ўта нозик, қишин ёзин дилимизга бир олам рўшнолик бахш этувчи ноёб дарахт, - дейди Маҳмуджон ота завқланиб. - Биласизми, арча денгиз сатҳидан икки минг метр баландликда ўсади. Биздачи, яхши ният билан ниҳолни қадаб, чанқатмасангиз бас - гуркираб ўсаверади. Ёдимда, Тошкентдан келган меҳмон шаҳримиздаги беҳисоб, ҳурвиқор арчаларни кўриб, ҳайратга тушди. Тахта, ёғоч тайёрлаш учун катта имконият бор экан-ку, деб қолди. Аслида, меҳмон кўрганлари - вилоятимиздаги арчаларнинг эҳтимол мингдан биридир. Шунда меҳмонга "Биродар, биз арчани қурилиш материаллари тайёрлаш учун эмас, шаҳримизнинг иқлимини зиғирча бўлсада ўзгартириш, лоақал саратон жазирамасининг тафтини пасайтириш учун экканмиз", деганимда у уялиб қолди.

Дарҳақиқат, Маҳмуджон отанинг фикри тўғри эди: шаҳар ёки қишлоқда янги уй қад кўтардими, албатта, йўлакка 5-10 туп арча экилади.

- Арча мафтункор, лекин гулнинг ҳам ўзига хос гўзаллиги бор, - дейди Маҳмуджон ота. - Турфа гуллардан димоғингизга урилиб, баҳридилингизни яйратадиган хушбўй ҳидни таърифлашга баъзан шоирларимиз ҳам ожизлик қиладилар. Яқин-яқинларгача шаҳар кўчалари ёнларида гуллан нишона ҳам йўқ эди. Савлат тўкиб турган ҳашаматли маъмурий идораларнинг ҳовлиларида қамиш, ажриқдан бўлак ҳеч вақо ўсмасди. Ўз-ўзимга, "Нега гул экишмас экан", - деган саволни берардим-у, жавоб топишга қийналардим. Кейин билсам, шаҳар бўйлаб сув оқиб турган бирорта шохобча йўқ экан. Шаҳар партия қўмитасининг Холиддин Тожиддинов (охиратлари обод бўлсин) деган биринчи котиби бўларди. У кишини ҳозир ҳам шаҳарликлар ҳурмат-эҳтиром билан ёдга одадилар. Боиси, Холиддин аканинг ташаббуслари, ташкилотчиликлари билан шаҳарни кесиб ўтувчи йирик сув иншооти бунёд этилиб, тўлиб тоза сув оқиши унутилмас воқеа бўлди. Кечагидек ёдимизда. Холиддин ака канал қурилиши штабида 18-20 соат тик оёқда бўларди. Бир пиёла чой, бир бурда нонни ҳам шу ерда тановул қиларди...

Чиннигул, гулибеозор, цитуня, хина, райҳон, хрезантема, лолақизғалдоқ, лола, гултожихўрознинг хилма-хили, яна... Ҳа, Маҳмуджон отанинг ҳовлисидаги гулларга мафтун бўлишнинг ўзи камлик қилади. Кўрсангиз, бир умрга уларнинг шайдоси бўлишингиз турган гап. Ҳар куни Маҳмуджон ота бу ҳовлига ўнлаб таниш-билиш гул шайдоларини етаклаб келади. Ҳа, керак бўлса, гул кўчатини экиб беришдан ҳам эринмайди. Ёнларига гулчиликни хийла уқиб қолган невараси Шоҳмирзани ҳам бирга олиб юрадилар. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан шаҳардаги кўчалардан ташқари ўнлаб ташкилотлар, маҳаллалар, мактаблар, шифохоналар ҳовлилари гулзорга айланганлигини кўргач, ким завқланмайди, дейсиз.

Завқланамиз, албатта. Маҳмуджон ота етмишга кирган бўлсаларда, ҳали чаққон. Қайдам, ҳамиша хилма-хил гулларга ошно бўлиш у кишининг кайфиятини кўтарадими... Ҳар қалай, гулзорни кўрган жойда Маҳмуджон ота яшариб кетаётгандек ҳис этади ўзини. Кўп йил Учкун маҳалласи йиғини раиси бўлди. Маҳаллани обод қилиш учун тиниб-тинчимади. Албатта, гул экиш, гулзорлар ташкил этиш у киши учун доимий эрмакка айланди. Маҳалла атроф-теварагидаги 2510-авто жамланма, "Сурхондарёдеҳқонқурилиш" ҳиссадорлик жамияти, Нўйжангал, Гулистон, Фарҳод, Жомий маҳаллаларидаги гулзорларга кўзингиз тушиб, бахри-дилингиз яйраса билингки - ана шундай хайрли ишларда Маҳмуджон отанинг улушлари бор.

Шундай, у киши бўш вақтлари бўлди, дегунча шаҳарда ташкилотма-ташкилот юриб, гул экишга бош-қош бўладилар. Кузда эса, ўша гуллар уруғини териб, жамғарадилар. Ундан қандайдир манфаат кўриш учун эмас, шаҳарда гулларни кўпайтириш ниятида шундай қиладилар.

О.ШУКУРОВ, Б.КЕНЖАБОЕВ.

Васила КАРИМОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори,
психология фанлари доктори, профессор.

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

У МАҲАЛЛАДА ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

Инсон руҳиятида гап кўп. Биз негадир ўзимизни хотиржам бўлишимизга, арзиган-арзимаган гап-сўз, воқеа-ҳодисаларга юрагимизни кенгроқ қилиб, умуман ҳаётга файласуфлар айтмоқчи, "фалсафий ёндашишга" кам эътибор берамиз. Шу боис бўлса керак, ўзимизни асабийлашишдан, беҳуда толиқишлардан, бетоқатликдан асрай ололмаймиз. Ваҳоланки, шу таъкидлаганларимиз саломатлигимизни асрашимизнинг асосий негизларидан бўлиб, бу негиз - оила ҳамда маҳалла-қўйдаги маънавий муҳитга бевосита боғлиқдир.

Гап оила ва маҳалла таъсирида барқарор бўлувчи саломатлигимиз - энг катта бойлигимиз ҳақида борар экан, қулоғимизга тез-тез чалинаётган "соғлом турмуш тарзи" ўзи нима эканлиги хусусида фикрлашсак. Олимлар ҳамда мутахассисларнинг таъкидлашларича, соғлом турмуш тарзининг бешта асосий шарти бўлиб, булар энг аввало тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, меҳнат қилиш ва фаол дам олишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда гигиеник қўникмаларга амал қилишдир.

Олимларнинг фикрича, инсон саломатлигининг 51,6 фоизи соғлом турмуш тарзига, 20,5 фоизи ирсиятга, 19,3 фоизи ташқи экологик муҳитга, 8,6 фоизи соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ экан.

Лекин кўпинча бу шартларга амал қилиш биз учун эриш туюлади ёки малол келади. Ҳозирги кунда ҳам кўпчилик ўртасида учраётган касалликлар ва бевақт ўлимнинг асосий сабабларидан бири бизнинг соғлом бўлиш учун ўзимиз ҳаракат қилмаётганимизда, ҳали ҳам бирон бир муъжизавий ҳаёт бахш этувчи дори ёки шифокор бўлишига ишониб яшаётганимиздадир. Албатта, замонавий тиббиёт жуда одимлаб кетди, шифокорлар орасида ўз касбининг устаси бўлган олийжаноб инсонлар ҳам кўп. Лекин агар инсон ўз турмуш тарзини онгли ташкил этиб, касал бўлиб қолганда ҳам унга қарши ўша шифокор билан тенгматенг онгли равишда курашмаса, дардни енгиш мушкул бўлишини бугун кўпчилик яхши билади.

Лекин билмаган ҳолатларимиз ҳам кўп. Ўша саломатликни ўз вақтида ўз уйимиз, ўзимиз ўрганиб қолган муҳитда сақлай олмаганлигимизнинг сабаблари ҳам бор. Бунинг объектив сабабларидан бири собиқ совет даврида тиббий хизматнинг бепуллиги, тиббиёт ходимлари малакасига нисбатан талабчанликнинг паст бўлганлигидир. Бу сиёсат эски тузумнинг бошланғич даврларида аҳоли ўртасида учраган кўпгина касалликларни камайтиришга хизмат қилган бўлса-да, шу билан бирга, бундай сиёсат кишиларда ўз соғлиқларига бефарқлик, боқимандалик кайфиятини ҳам шакллантирди. Яна битта сабабларидан бири касалликнинг сабаби билан эмас, унинг оқибати билан курашиб келинди. Натижада касалхоналар қуриш, ўринлар сонини оширишга кўпроқ эътибор берилиб, касалликка қарши тарғибот соҳасига иккинчи даражали иш сифатида қаралди. Оқибатда аҳоли орасида тиббий маданиятнинг пастлиги туфайли касалланишнинг кўпайиб бориши давом этмоқда. Бу ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир оиланинг бюджетига салбий таъсир кўрсатди. Нафақат бюджетга, балки оқибат - оиланинг мустаҳкамлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам бу ўз таъсирини йўқотгани йўқ.

Демак, соғлом турмуш тарзи бу - ҳар бир инсоннинг маънавий, ақлий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишга ҳаракат қилишидир. Агар инсон ўз ҳаётини фаол ҳаракатланиш режимига сола олса, кун тартибини онгли белгилай олса, овқатланиш, меҳнат қилиш ёки дам олиш тартибларини тўғри ташкил эта олса, гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда зарарли одатлардан ўзини тия билиш, атроф-муҳитга эҳтиётлик ва саришталик билан қараб, оилада ва қўни-қўшни, яқин қариндошлар билан тинч-тотув яшашга имкон берувчи муомала маданиятига эга бўлса ва соғлом фарзанднинг туғилишига энг аввало ўзи масъул эканлигини тушунса, унда соғлом турмуш тарзи ҳақида тасаввурлар мавжуд дейиш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёда саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Масалан, америкалик олимлар бу нарсага панжа ортидан қараш нимага олиб келади, деган саволга кўпроқ уларни агрессив хулқ-атвор билан боғламоқдалар. Яъни, одам урушқоқ, салга тажанг бўладиган, сабрсиз бўлиб қолади. Бу нарса охир-оқибат гиёҳвандликка берилиш, ичкиликка ружу қўйиш, оилада эр-хотин ўртасида носоғлом муносабатларнинг келиб чиқиши, аёлга нисбатан зўғумнинг ортиши, спортга нисбатан бефарқлик, шахслараро зиддиятларни келтириб чиқаради.

Биз яқинда Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ оилалари аъзоларининг соғлом турмуш тарзи борасидаги саводхонлигини махсус тадқиқот доирасида ўргандик. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 600 дан зиёд хотин-қизлар билан суҳбатлар ва сўровлар ўтказдик. Сўралувчиларнинг аксарияти туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларнинг фикрларини умумлаштириб таҳлил қилганимизда, оилали аёлларнинг 21 фоизи ва эркакларнинг 9,9 фоизи сурункали касалликларга чалинган экан. Сўралувчилардан 53,3 фоизи фақат касал бўлгандагина шифокорга мурожаат қилади, қолганлари вақти-вақти билан мурожаат қилувчилардир. Демак, кўпчилик бетоб бўлиб қолгандагина шифокорга учрайди ҳаттоки, касал ўтиб кетгандан кейин вақт топадиганлар ҳам кам эмас. Демак, соғлом турмуш тарзига алоқадор тиббий маданиятимиз борасида ўйлашга арзийдиган муаммо бор экан-да.

Шу боис ҳам, соғлом турмуш тарзи категорияси кўпроқ ижтимоий категория бўлгани учун биз сўралувчиларнинг тиббий-гигиеник маълумоти даражасини ўргандик. Масалан, "Ўз фарзандларингиз билан тиббий-гигиеник мавзуда суҳбатлашиб турасизми?" деган саволга барча сўралувчиларнинг 62,6 фоизи ижобий жавоб берган бўлсалар, умуман гаплашмайдиганлар 19,8 фоизни ташкил этди. Бу ўйлантирадиган ҳолат албатта. Лекин тиббий билимнинг заруратини англайдиганлар қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам ортиб бормоқда. Масалан, сўраганларимизнинг 82 фоизи "Ҳар бир киши тиббий билимга эга бўлиши керак" деб ҳисоблайди. Шуниси эътиборга моликки, ўша биз ўрганган гуруҳдагиларнинг 87,7 фоизида биринчи фарзандлари кейингиларига нисбатан кўпроқ хасталанган. Демак, ёш она боласини парвариш этиш малакасига, тажрибасига эга бўлмаганидан тез-тез касал қилиб қўяди. Айнан ўшалар тиббий саводхонликка муҳтождир.

Албатта, биз юқорида таъкидлаганимиздек, соғлом турмуш тарзи тушунчаси ҳар инсонда ўзига хос тарзда шакллана экан. Биз респондентларга "Соғлом турмуш тарзини қандай тушунасиз?" деб савол билан мурожаат қилганимизда, кўпчилик, яъни сўралганларнинг салкам 41 фоизи уни "атроф-муҳит тозалиги" билан, 37,3 фоизи "тўғри, рацион бўйича овқатланиш" билан, қолганлар - "ўз вақтида ухлаш", "спорт билан шуғулланиш" (28,4 фоиз), "чекмаслик, ичмаслик" кабилар билан боғлашди.

Албатта, бу тасаввурлар шакллана, керак бўлса, тарбияланади. Соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни қаердан олиш мумкинлигини ўрганганимизда, табиий, ОАВнинг ўрни ва роли катта эканлиги маълум бўлди. Айниқса, хотин-қизларнинг фикрича, телевидениенинг роли катта (72,6 фоиз), газеталар - иккинчи ўринда (57,5 фоиз), ундан сўнг журналлар (46,3) фоиз ва радио (31,2 фоиз) туради.

Демак, соғлом турмуш тарзи тўғрисида ҳар бир фуқарода шакллана диган билимлар, тасаввурлар ва уларнинг амалий турмуш таркибида онгли хатти-ҳаракатга айланиши кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишга имкон беради. Шунинг учун ҳам тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, уни мафкуравий ва маънавий ишларнинг таркибий қисмига айлантириш лозим.

ВАТАН

Кўнгил ийиб беради сутдай
Болу парим - Ватан сен ишқсан.
Тилларимнинг такаллуми ё
Айтиб туганмас бир қўшиқсан.

Лирнинг қизи Кардемиядек
Дилни сўзга чоғлаёлмайман.
Туйғуларим қадоқласам-да
Сени тилга боғлаёлмайман.

Хаёлларни эритаман жим,
Жим чекаман кўнгил ёдини.
Аммо, меҳринг элитса ҳам, ки
Нечун айтолмайман отингни...

Ишқибозман тонги сурудга
Эътиқодим гарчи сўз эрур.
Тансиқ туйғуларнинг аввали
Ватан сўзлар ичра сўз эрур.

Ҳавасларим ўсар бўйма-бўй,
Аржумандим - безовта бу қалб.
Беназир бу оташгоҳимга
Яшаяпман ватанни қалаб.

Аё, афгандадир бу вужуд,
Мен қалб мулки ичра аластман.
Алмисоқдан Маҳшаргача то
Ватан тутган Ватанпарастман.

Муҳаббат
ТЎХТАШЕВА.

● Элга манзур ҳунар эгалари

СУВ ЧИҚАРГАН АЗИЗ

Айрим маҳалла ҳовлиларига ичимлик сувининг келтирилмаётгани, оқар сувнинг эса етмаётганлиги ҳақида тез-тез шикоят қиладиган бўлишганди. Тадбиркорлар ҳаракат қилишиб, бунинг ҳам йўлини топишди. Шу йил Пахтаобод қўрғонидаги 40 дан ортиқ ҳовлиларда, ўнлаб ташкилотлар ҳудудида тортма насос орқали замин қаридан сув чиқариш мосламалари ўрнатилди. Тўғри, у чўл шароитида таъми шўрланган, бироқ турли ҳожатларга ҳатто, қайнатиб ичишга ҳам ишлатса бўлади.

Суратда: Э. ПАРДАЕВ. У шу қудуқларнинг «ижодкори» бўлди.

Пахтаобод бош бекати ёнидаги «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими идораси ҳовлисидаги сув жўмрагидан шариллаб оқаётган сувни кўриб, ҳавасимиз келди. Кеч кираётганига қарамасдан кун иссиқ, бир гуруҳ йўловчи ҳайдовчилар кечки овқат тановул қилишаётган экан. Улардан бири сув сепар, бошқаси эса ювиниб, салқинланиб олаётир.

—Бундан бир ой олдин ана шундай ҳордиқ чиқаришимизнинг асло иложи йўқ эди, - дейди Пахтаобод-Самарқанд қатнови ҳайдовчиси Ортиқбек Жабборов, бизнинг қизиққанимизни кўриб, - қўшни тумандан ота-бола усталарни таклиф қилгандик, мана шу кранни қуриб беришди. Аввал сал лойқа чиқди, кейинчалик эса тиниқлашди. Овқатланиб бўлиб идишларни ювишга сув тополмасдик. Мана энди идишлар, айрим кир-чирларимизни ҳам ювиб оламиз. Двигателни совутиш учун, ювиниб, салқинлашимиз учун фойдаланамиз. Сув келтирган азиз, деган нақл бор. Буни сал ўзгартириб сув чиқарган азиз, деса ҳам бўлади. Биз шу сувни чиқариб берган уста Эгамберди ака Пардаев ва унинг ўғли Абдуллолардан жуда хурсандмиз.

Ортиқбой аканинг бу фикрига Пахтаобод-Гулистон йўналиши шофёри Қўчқор Ҳайдарқулов, "Ватанпарвар" ташкилоти йўриқчиси Бахтиёр Жалиловлар ҳам ота-бола усталарни алқашди.

Бош бекат ёнидаги "Пахтаобод" жоме масжидига ҳам ота-бола усталар сув крани қуриб беришган экан. Масжид аҳли сувдан беминнат фойдаланаётганликларини айтиб, усталарни дуо қилишди. Кўпчиликнинг шу дуосига биз ҳам қўшилдик.

А.РАҲИМҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти Ш.Рашидов тумани Пахтаобод қўрғони.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Алишер Навоий номли маҳалласи ишнинг кўзини биладиган, маҳалласига қайишадиган саховатли тадбиркорлари билан туманда машҳур. Маҳалла аҳлига турли хизматларни кўрсатаётган гузар, саратарошхона, ошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қурилишида маҳаллада истиқомат қилаётган тадбиркорларнинг ҳиссаси катта.

Суратда: «Маҳалла» жамғармаси Тўрткўл тумани бўлинмаси раиси Нуриддин Айитов (ўнгдан иккинчи) маҳалла фаоллари ва тадбиркорлари билан.

М.ХЎЖАМБЕРДИЕВ
олган сурат.

● Жиноят илдизи чуқур

"МЕН ЎЛИМНИ КУТИБ ЯШАДИММИ?!"

ёхуд ўз эри томонидан пичоқланган аёлнинг руҳи нега безовта?

Биласизми, бегим, сиз менинг кўксимга пичоқ уриб, ўз азобларингиздан қутқардингиз гўё. Ахир беш кунлик дунёда қийналиб яшашнинг нима керати бор? Фақатгина ортимдан бўзлаб қолган уч нафар болаларимга ичим ачийди. Ҳар оқшом уларнинг ёнига учиб келаман. Катта қизим - Зиёдагинам худди мени - онажонисининг арвоҳи келганини сезгандек, атрофга оларак аланглайди. Лекин кўнгилларини бузмаслик учун на укасига, на синглисига чурқ этмайди.

Узоқ Навоий вилоятига келин бўлиб тушганимдан кейин бир неча йиллар мобайнида совуган ошдай ҳаёт кечирдим. Тоғли ҳудудда яшаганим боис, қишда тез-тез бўронлар бўлиб турарди. Арзимаган баҳонага жанжал чиқариб, бўрон пайтида болаларим билан ташқарига қувардингиз. Изғиринда қалтираб, болаларимни бағримга босганча сизга Аллоҳдан инсоф тилардим. Охир оқибат ота-онам яшайдиган уйга қайтиб келдим. Отам мени ташлаб қўймади, алоҳида уй-жой қилиб берди. Ишта жойлашдим. Тузуккина яшаб тургандик, ортимиздан бизни йўқлаб келдингиз-у, биз билан яшай бошладингиз. Яна аввалги ғурбатли ҳаёт бошланди.

Ўша менинг кўксимга пичоқ урган кунингиздан тўртбеш кун аввал уйда навбатдаги жанжал бўлди. Ичиб келиб, мени ҳақоратлаб, қалтаклай бошладингиз. Ўша куни Тошкентда ўқийдиган қизим Зиёда ҳам уйда эди. Йиғлаб-йиғлаб орага тушди. "Аямни урманг", деб сизнинг қўлларингизга ёпишди. Ўша сафар қизимни сўнгги маротаба ўқишга кузатдим. Шўрлик ортига қарай-қарай кетди. Балки бошқа кўришмаслигимизни унинг кўнгли сезгандир. Ҳаётимнинг сўнгги тонги отган 30 апрель ҳам ғурбат билан бошланди.

Тушга яқин дастурхон бошида кичик қизимиз Баҳоройга "Бор, мен бозордан олиб келган тухумни олиб чиқ, онанг олиб келган овқатни емайман" дедингиз. Шунда мен "уйдаги ғилдиракни сотиб, пулига олиб келган тухумингиз мана шуку ахир", дедим. Шаҳд билан дастурхондаги еб ўтирган овқатимизни олиб, уйга кириб кетдингиз. Томоғимга нимадир тиқилди, иштаҳам бўғилди. Бунақа қилиқларингизга ўрганиб кетган бўлсамда, дилим оғриди. Бироздан сўнг укам Одилжон келиб қолди. Кайфиятимдан гап нимадалигини тушунди шекилли, сизнинг олдингизга кириб кетди. Яхши гап билан насиҳат қилган бўлди. Не аламки, шу куни укамни ҳам сўнгги марта кўриб тургандим. Кун бўйи ишдан, рўзғор ташвишларидан ҳориб, бирозга ўрнимга чўзилдим. Менинг уйқуга кетганимдан фойдаланиб, кўксимга пичоқ урдингиз. Беихтиёр ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Ҳарчанд нима бўлганини англашга уринсам-да, кўз олдимни туман қоплаган, миямнинг карахтлигидан ҳеч нарсани англай олмасдим. Кўксимга қадалган пичоқнинг тиғидан қон оқаяптию, оғриқни сезмайман. Кўз олдимдан фарзандларим, жигарларим бирма-бир ўтишди. Ҳолсизланиб, ерга йиқилдим. Сиз эса токчада турган аввалдан тайёрлаб қўйилган эса на ортингиздан эргашишболтани олиб бошимга ура ни, на жонсиз танам олдида бошладингиз. Айни ўша қолишимни билмас эдим. пайтда ичимда нимадир Шу пайт кичик қизим Баҳо- "чирт" этиб узилгандек рой уйга ўқдек учиб кирди.

—Ая, ухлаяпсизми? - Секингина сўради у.

Мен ҳануз шифтда турардим. "Қўрқма, қизим мен ухлаётганим йўқ" - демоқчи бўлдим, бироқ овозим чиқмасди. Баҳорой секингина кўрпани кўтарди-ю, даҳшатдан чинқириб юборди... Қулоқларим унинг чийиллашидан қоматга келди. Дам ўтмай, тумонат одам тўпланди. Изиллаб йиғлаган болаларимни бағримга босгим, "мен ўлганим йўқ, мана ёнгинангда турибман" дея юпатгим келар, аммо бунинг уддасидан чиқолмасдим...

Жаноза ўқилгунча кимлар таъзияга келгани-ю, мен ҳақимда одамлар нималар деб гапиришаётганини кўриб, эшитиб турдим. Домла жаноза ўқий бошлагач, қулоқларим битиб, ҳеч нарсани эшитмай қолдим. Бироздан кейин эса оппоқ, ҳарир либосга ўранган бир неча аёллар мени қўлларимдан етаклаб олисларга олиб кетишди...

***

Яқинда жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судида ўз хотини Насиба Қурбоновани ваҳшийларча ўлдирган Абдулла Нурматовнинг устидан судья Эркин Усмонов раислигида суд мажлиси бўлиб ўтди.

Судланувчи Абдулла Нурматов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисм "ж" банди билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 17 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Норинисо ҚОСИМОВА,
Дилфуза ЖАРБЕКОВА.

"Мен ҳам аёл эдим. Яхши ниятлар билан турмушга чиққан, бир олам орзулар билан яшаган. Мен ҳам она эдим. Уч нафар фарзандимнинг камолини кўришни Аллоҳдан сўраган. Шугина мунчоқларим учун елиб-югурган. Кун бўйи бекорчиликдан зерикиб уйда ётадиган эримга инсоф тилаганим, оиламга ёрдамим тегиши учун касалхона полини ювиб, тирикчилигимни ўтказганим ёлғизгина Аллоҳга аён. Жанжалу ғурбатлардан безган, аламзада, ҳўрланган АЁЛ эдим мен бу ёлғончи дунёда. Ахир мен шўрлик бу ёруғ дунёга келиб нима кўрдим? Кўрганим - уруш-жанжал, ичганим пиёва шўрва бўлдими? Агар болаларим, демасам, айтарли ҳеч нарса орттирмадим. На молу давлат, на рафиқаларча ҳурмат-эҳтиром.

● Ҳозиржавоб халқмиз-да...

«ОНАМГА ЎХШАЙДИ-Я ҚИЁФАНГ СЕНИ»

ёки яқин ўтмишда бўлган ҳазил

Яқинда Фарғонада бўлганимда японияли сайёҳ аёлнинг: "Ўзбек аёлларининг ўзи гўзал, улар Марғилон атласини кийганида ундан ҳам чиройли бўлиб кетар экан", - деган сўзларини таржимон ўзбек тилига ўгириб турганини эшитдим-да, собиқ совет даврида Фарғона вилояти газетасининг бош муҳаррири ўринбосари бўлиб ишлаётган, шоир Адҳам Ҳамдамнинг Японияндан келган аёллар делегациясини кутиб олиш тафсилотларини айтиб берганини эладим.

Ўзбекистон Компартияси марказқўмидан Фарғона обкомига телефон қилишибди-да: "Японияндан хотин-қизлар делегацияси сизларга боради. Ичида бир "шустрий" кампир бор. У дуч келган жойни суратга олаяпти. Шунга ҳушёр бўлинглар" - дейишипти. Фарғона обкоми бу делегацияни кутиб олиш ва кузатишни шоир, журналист Адҳам Ҳамдамга топширипти. Меҳмонлар гўзал Фарғонанинг кўп жойларида бўлишипти. Кетар чоғидаги кузатув зиёфатида япон кампир: "Ўртоқлар, мен шу ердан чиқиб кетаман ёки мана бу киши чиқиб кетсин", - деб Адҳам Ҳамдамни кўрсатибди. "Чунки мен самолётдан тушишим билан менга тикилиб қолди, ҳозиргача мендан кўзини узмайди. Ахир, мен кампир бўлсам, ёшларга қарасин, балки мен унга шубҳали одам бўлиб кўрингандирман?! Унинг менга тикилаверишидан ўзимни ноқулай сезяпман", - дебди. Таржимон меҳмоннинг айтганларини сўзма-сўз таржима қилибди. Шу оннинг ўзида шоир ўрнидан туриб: "Ўртоқлар, меҳмоннинг гаплари тўғри. Мен кутиб олдим. Аэропортда самолётдан тушаётганларида шу аёлни кўрдим-у, ундан кўзимни узолмадим. Бунга сабаб, жуда ёшлигимда онам вафот этган. Тошкентдаги опамникида онамизнинг портрети осиғлиқ турарди. Ҳар сафар у ерга борганимда суратга тикилиб қоламан. Бугун эса, менинг кўз ўнгимда ўша сурат жонланиб кетди. Бу меҳмон худди онам суратининг ўзи эди. Мен она меҳрига зор бўлиб ўсганим учун онамнинг юз кўринишлари, меҳрли кўзларини ҳозир мана шу аёлда кўряпман", - депти. Адҳам ака тўхтаб-тўхтаб, энтикиб гапирар, таржимон эса унинг ҳар бир жумласини кетма-кет таржима қилаверипти. Буни эшитган меҳмоннинг кўзига ёш келибди-да, шоирни ёнига чақириб: "Йўқ, мен тўрга ўтмайман" деса ҳам қўймай ёнига ўтказиб, - "Мен сенинг кўнглинг яримталигини қаердан билай? Мендан хафа бўлма", - деб ҳатто узр ҳам сўрабди.

Кейин адиб: "Бизда мезбон пастда ўтиради, тўрда ўтириш мен учун ноқулай», - дебди-да, ўрнидан туриб жойига ўтаётган экан, кампир: "Мана, бу мендан сенга эсдалик" деб, бўйнидаги тилло занжирини шоир бўйнига илиб қўйибди.

Делегацияни кузатиб қўйишгандан сўнг Фарғона вилоятининг ўша пайтдаги раҳбари Адҳам Ҳамдамни ҳушёрлиги ва ҳозиржавоблиги учун номи ёзилган қўл соат билан мукофотлабди.

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист.

Олам турфа

ҚЎЙЛАР УЧУН БУЮРТМА ТИШ

Англиядаги тажриба хўжаликларидан бирида ажойиб тажриба ўтказилди: поданинг рентабеллигини ошириш мақсадида қўйларга ясама тиш ўрнатилади.

Маълумки, қўйлар тўрт ёшлигидаёқ тишлари ярамай қолади. Шундан кейин улар нормал овқатлана олмайди. Шотландиялик тиш техникалари томонидан тайёрланган бу ясама тишлар қўйлар умрини узайтиришга хизмат қилади.

ТУХУМ ПЎСТЛОҒИ ҲАМ ФОЙДАЛИ

Швециялик бир гуруҳ олимлар тухум пўстлоғи сув ҳавзаларини тозалашини айтишмоқда.

Тажриба саноат корхоналарининг чиқиндилари оқизилган ва натижада "ўлик" кўлга айланган ҳавзада ўтказилди. У ерга бир неча тонна тухум пўстлоғини ташлашган эди сув тозаланиб, кўл яна "тирик" ҳавзага айланган.

ПИВОНИ ХУШ КЎРАДИ

Кёльн шаҳридаги қишлоқ хўжалиги илмий текшириш муассасаси ходими Аксел Папенхагеннинг айтишича, шиллиққуртлар пивохўр бўлишаркан.

Демак, қишлоқ хўжалигида улардан қутулишнинг иложи бор, - деб хулоса чиқаради Аксел. - Бунинг учун агар томорқангизда шиллиққурт кўпайиб, экинларингизга зарар етказаётган бўлса, томорқангизнинг маълум жойларини ковлаб, ўша жойларга пиво тўла консерва банкасини қўйиб қўйинг. Қарабсизки, бир ҳафтада шиллиққуртлар пивога бўкиб ва чўкиб ўладилар.

КАССЕТАЛАРДАГИ ПУЛ

Стокгольмдаги "СПК" фирмасидан Гунар Персон исмли киши банкка пул ташишнинг хавфсизроқ йўлини топди.

Пул қоғозлари электрон схемали махсус кассеталарга жойланади. Сўнгра кассеталар пул ташиладиган машинанинг махсус жавонларига териб қўйилади. Борди-ю, қароқчи улардан бирортасини чиқариб олишга урингудек бўлса, жавон ўзидан газ чиқаради ва пуллар ўғриси дарҳол бўёққа булғанади.

● Юрт келажаги

БЕКПЎЛАТ ОЛҒА ИНТИЛМОҚДА

Хиналик ёш спортчи Бекпўлат Собиров эндигина 10 ёшга қадам қўйди. У сариқ, қизил, кўк боғ соҳиби, бир қатор турнир ва мусобақаларнинг ғолибидир.

У илк бор 2001 йил, декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ўтказилган мусобақала фаол иштирок этиб, чемпионликни қўлга киритди. 2002 йилда Қорақалпоғистонда ўтказилган Р.Турабеков хотира турнирида эса, Б.Собиров ўз маҳоратини яна бир карра намойиш этди. 7 та рақибини дорда қолдириб турнир ғолиби бўлди. Уч йилдан буён эса, у вилоят чемпионлигини қўлдан бермай келяпти. Оқ йўл сенга Бекпўлат.

Қодир МУЛЛАЕВ.

● Тарихдан тарикдек

Сайёҳ — СИРОЖИЙ

(Давоми. Аввали олдинги сонда)

Мирзо Сирожиддин Эрон замини орқа-ли Афғонистонга сафар қилади ва Ҳирот шаҳрига келади. "Табаррук замин бўлган Ҳирот, - деб ёзади сайёҳ, - Афғонистоннинг кўп кўҳна ва бир вақтлар Шарқий Хуросон мулкининг темурийлар давридаги маълуммашҳур пойтахти, талай тарихий воқеалар - силсилаларнинг шоҳиди бўлган, эндиликда эса савдо-сотиқ ишлари баҳоят тараққий этган вилоятлардан биридир. Бу ерда Россиядан асосан қанд, нефтъ келтириб сотилади, Ҳиротга юқорида айтиб ўтилганлардан бошқа Машҳад ва Қандахордан инглиз моллари ҳам келтириб сотилар эди".

Мирзо Сирожиддин ўз китобида Ўрта Осиё билан Афғонистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар тўғрисида ҳам кўпгина қимматли маълумотларни келтиради.

Сайёҳ шу тарзда сафарини давом эттирар экан, Эрон заминида бўлиб бу мамлакатнинг қатор шаҳар ва вилоятларини зиёрат қилади.

Эроннинг пойтахти Теҳронда бир неча ой касалхонада шифокор бўлиб ҳам ишлайди. Унинг ёзишича, меъда хасталигини даволашда кўп муваффақиятларга эришган. У шундан кейин Исфахон ва Шероз шаҳри қадимдан тортиб дорул илм, яъни илмлар ўчоғи бўлиб келган табаррук замин эканлигини қайд этиб: "Бу шаҳар барча халқлар томонидан ҳурмат билан тилга олинувчи ва ўз фаолияти билан зиё нуридан баҳраманд бўлишга интилган халққа улкан хизматлар қилган бузруквор улуғ сиймоларни - Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозийлардек зоти шарифларни етиштирган маскандир", - деб ёзган эди.

Мирзо Сирожиддин 1878 йили азим Бухоро шаҳрининг собиқ Исмоилхўжа Оталиқ гузаридаги Мирзо Сочоқ маҳалласида савдогар оиласида дунёга келган. Хат-саводни эрта ўрганган бўлажак сайёҳ қисқа вақт мобайнида форс, араб, турк, кейинроқ рус, француз ва инглиз тилларини ҳам ўзлаштириб олган. Адабиёт, тарих, жўғрофия, математика, этика, фалакиёт ва тиббиёт соҳаларида ўз билими кунт билан ошириб борган.

Мирзо Сирожиддин Эрон замини орқали Ҳиндистонга ҳам қадам ранжида қилади.

Ҳиндистонда бўлганда Агра шаҳрига бориб, у ерда қад ростлаб турган асрларнинг чинакам муҳаббат тимсоли бўлган "Тож Маҳал" мақбараси ҳақида ёзади. Сайёҳ худди шундай Деҳлидаги жомеъ масжиди ҳақида ҳам қайд этиб, бу жомеъ масжиди шаклан Бухородаги Калон масжидга ўхшаб кетсада, аммо ўз ичига бир йўла юз минг кишини сиғдира оладиган бундай иншоот эҳтимол жаҳоннинг ҳеч бир ерида учрамаслигини, бу нодир иншоот ўрта осиёлик истеъдодли бинокор - меъмор ва наққош уста Жалолиддин деган киши томонидан XVII аср бошларида қурилганини қайд этади.

Мирзо Сирожиддин Деҳлидан кейинги иккинчи ўринда турадиган яна бир йирик шаҳарлардан бўлмиш Бомбейда ҳам бўлади.

Мирзо Сирожиддин Бомбейдан Ҳайдаробод, Декан, Мадрас, Калькутта, Мўлтон, Кашмирга борган ва бу шаҳарлар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар қолдирган.

Сайёҳ Ҳиндистон тарихидан бирмунча яхшироқ хабардор бўлгани боис инглизларнинг айниқса, Деҳлини босиб олишлари кўрилмаган ваҳшиёна хатти-ҳаракатлари ва сўнгги бобурийларнинг фожеали ҳалок этилганликлари, олис сарҳадларга бадарға қилинганликлари ҳақида муҳим маълумотларни ҳам келтиради.

Машҳур сайёҳ ва ҳаким Мирзо Сирожиддин Сирожий ўз даврининг илғор тараққийпарвар, билимдон зиёлиларидан бири, шоир, тарихчи, географ, фалакиёт илмидан бохабар, Ахтаршунос (юлдузшунос, яъни юлдузлар ҳаракати - буржига қараб инсон тақдирини айтиб бера олиш илми -Ҳ.З.), ҳамда бу борада махсус гороскоп - жадваллар тузган тадқиқотчи бўлиб танилади. У 1910 йилнинг охирларида сўнгги саёҳатини тамомлаб, қадрдон гўшаси - Бухорога қайтгач, Европа усулидаги, ҳар жиҳатдан намунали касалхона ва дорихона очади. Бу касалхонада у умрининг охирги дамларига қадар фақир-фуқароларга бепул ёрдам кўрсатади. Шунингдек, у ўзининг жами 13 йилдан зиёд давом этган сафари асосида тўпланган қимматли маълумотларини минг нусхадан иборат "Туҳаф аҳле Бухоро" (Бухоро аҳлига туҳфа) номли китоб қилиб, уни Когон босмахонасида 1911 йили чоп эттирган.

Мирзо Сирожиддин ўз даврига хос анъаналарни давом эттириб, бир қанча ишқий шеър, ғазал, рубоий, қитъалар ҳам ёзган. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшуносликилмий тадқиқот институтининг қўлёзмалар фондида бу азиз сиймо Сирожий қаламига мансуб икки юздан ортиқ шеърлар киритилган алоҳида девон ҳам сақланмоқда.

Толмас сайёҳ ижтимоий-сиёсий масалалар борасида ҳам баракали қалам тебратиб, "Самарқанд", "Турон", "Бухорои шариф", "Ойна" каби газеталарида турли мавзулардаги мақолалари билан фаол қатнашиб турди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, тожикча "Бухорои шариф", ўзбекча "Турон" газеталарининг Бухорода илк бор 1912 йили чоп этилишида Мирзо Сирожиддиннинг ҳам ҳиссаси катта. Уларни кейинроқ исёнкор руҳдаги газеталар ҳисоблаб, амир Олимхон ҳокимияти таъқиқлаб қўйган.

Айни камолот сари илдамлаб бораётган бу чинакам инсонни навқирон 36 ёшида шафқатсиз ўлим ўз комига олди. Мирзо Сирожиддин 1914 йили Бухорода фонийдан дорулбақога рихлат этди. Дафн маросимида қатнашган устоз домла Айний унга бағишлаб 32 мисрали тарихий марсиясини ўқиб берган:

Оҳ, сад оҳ! Ки, барбаст
абадий бори сафар,
Аз Бухоро сўйи Фирдавс
яке донишвар.
Онки аз мантиқи ў буд
муҳофил пур нур,
Онки аз канон ў дошт
шароит зевар.
Онки такмили фунун кард
ба айёми шабаб,
Онки тахсили ҳаким кард
ба аснои сафар.
Сайр нокарда зи дидори
ҳид абноли ватан,
Ба жавони ба тан хок
ватан сохт муқар.

Мазмуни:

"Оҳ, юз оҳ! Бухоро донишмандларидан бири охират томон абадий сафар юкини боғлади. Унинг нутқи ва қаламидан газеталар нурафшон эди. У ёшлигида ўқиди, илм олди. Сафари давомида ҳакимликни ўрганди. Ўз кўзи билан ватаннинг келажагини кўра олмай, ёш ер остини ватан қилди".

Мирзо Сирожиддиннинг "Туҳаф аҳли Бухоро" китоби ҳали ўзбекчага ўгирилмаган. Магар ўгирилса, фанимиз яна бир қимматли асар билан бойиган бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

● Жиноий иш тафсилоти

ТОВЛАМАЧИЛАР

уларнинг кирдикори фош этилди, лекин уларнинг тавбаю тазаррулари самимиймикан, улар товламачиликдан тийилдилармикан?

...Ҳусниддин Холбоев аввалига ўзини «чув» туширганларига ишонгиси келмади. Наҳотки, бу уч йигит товламачилар бўлишса? Бўлиши мумкин эмас, ахир кўринишларидан туппа-тузук йигитлар-ку! Лекин воқеалар ривожи унинг шубҳалари ўринли эканини исботлаб турарди: унга Миллий банкнинг Мирзо Улуғбек тумани шохобчасидан 1500 АҚШ долларини навбатсиз олиб беришни ваъда қилиб, 1.525.000 сўм пулини олган Улуғбек исмли йигит дом-даракси йўқолган, уларни таништирган Дилмурод ва Тоҳир эса турли баҳоналар билан ўзларини олиб қочишар, бирон тайинли гап айтишмасди.

Аслида воқеа бундай бўлганди: Ҳусниддин АҚШ валютасини олиш мақсадида Сайилгоҳ кўчасида жойлашган «Алп Жамол» банкига навбатга туради. Лекин анча муддат ўтса-да, унинг навбати келавермайди. Гаплан-гап чиқиб Ҳусниддин бу ҳақда таниши Тоҳирга айтади. Тоҳир эса ўзининг таниши Дилмурод Аббосовга Ҳусниддиннинг мақсади ҳақида етказади. Ана шунда Дилмурод товламачилик қилиб бўлса-да, Ҳусниддиннинг маблағини қўлга киритиш пайига тушади. Бу мақсадидан Тоҳирни ҳам хабардор қилади. Тоҳир Дилмуродни Ҳусниддин билан таништиради. Ҳусниддин яна АҚШ доллари олиш мақсадида анчадан бери сарсон бўлаётганини айтади. Дилмурод агар истаса унга ёрдам беришини, яъни Ҳусниддинга бошқа банк шохобчасидан навбатсиз тарзда валюта олиб бериши мумкинлигини таклиф қилади.

2002 йил 27 декабр куни Ҳусниддин яна банкка боради, не ажабки, Тоҳир ва Дилмурод ҳам шу ерда эдилар. Банк олдида ҳар доимгидек навбатда турганлар ур-йиқит қилиб, жанжал кўтарадилар. Тоҳир ва Дилмурод пайтдан фойдаланиб, яна ўз таклифларини такрорлайдилар. Навбат кутиб, валюта олишига кўзи етмаган Ҳусниддин бу сафар таклифга кўнади. Дилмурод «Ҳозир сизни ишончли йигит билан таништирамиз, пулни берсангиз, у бир соатда ҳужатингизни чиқаради» дейди, учовлари «ишончли йигит» билан учрашгани Миллий банкнинг Мирзо Улуғбек тумани шохобчаси олдидаги кафега йўл оладилар. У ерда Ҳусниддинга рўбарў бўлган йигит ўзини «Улуғбек» дея таништиради ва пулни олиб шохобча томонга кетади. Белгиланган вақт ўтади, Улуғбекдан эса дарак йўқ. Ҳусниддин безовталана бошлайди. Бир неча соатдан кейин Тоҳир ва Дилмуроддан «таниш»ларини топишларини талаб қилади. Йигитлар «Сизни уйига олиб борамиз» дея йўлга тушадилар. Кўп қаватли бир уйга кириб кетган йигитлар «Улуғбек мана шу уйда, еттинчи қаватда яшайди, лекин ҳозир уйда йўқ, шошилинч Самарқандга жўнаб кетибди» деб қайтадилар. Ҳусниддин уларга ишонмай ўзи еттинчи қаватга кўтарилади... ва бу ерда ҳеч қандай Улуғбек яшамаслигини билади. Ҳусниддин ўша куни Улуғбекни кутиб, Тоҳирникида тунайди. Эртасига Тоҳир унга Улуғбек йўқолиб қолган тақдирда ҳам пулини қайтариб беришга ваъда беради. Бир неча ой муддат давомида у ваъда бериб юраверади...

Бу орада Ҳусниддиннинг пули Тоҳир, Дилмурод ва Шавкат Салимов (Ҳусниддинга ўзини «Улуғбек» дея танитган йигит) ўртасида бўлинган, ҳар ким ўз «улушини» олиб бўлган эди. Бу учта товламачининг режалари ҳам аслида шундай эди. Шавкат Салимов - яқиндагина улардан қарзга пул сўраб келган, бирортасини «чув» туширимаймизми, деган таклифни ҳам айтганди.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани жиноий ишлар бўйича суди Ҳ.Холбоевнинг аризаси бўйича мазкур содир этилган жиноий ишни кўриб чиқди ва тегишли жазо белгилади. Бу вақтга келиб, тергов давомида товламачиларнинг барча кирдикорлари фош бўлган, Ҳусниддиннинг пули ўзига қайтарилган эди.

Нима бўлганда ҳам, бу воқеа Ҳусниддин каби ишонувчан кишиларга сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Оля ТОШМАТОВА,
Мирзо Улуғбек тумани жиноий ишлар бўйича суди судьяси,
Мавлуда ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

● Обидаларда тарих тилсими

ҳаётбахш САРДОБАЛАР

Унинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан тежаб фойдаланиш зарурлигини англаган боболаримиз қадимдан сув сақланадиган иншоотлар бунёд этганлар. Ана шундай иншоотлардан бири бу - сардобалардир.

Сардобаларни қуришдан асосий мақсад дашту чўлларда чорва ва савдо карвонларини сув билан таъминлашдан иборат бўлган. Савдо карвонлари йўлида жойлашган сардобалар ёнида карвонсаройлар, савдо расталари, омборхоналар, оғилхоналар ҳам бунёд этилган.

Айрим ҳолларда сардобалар теварагида кичик-кичик ҳунармандчилик ва чорвачилик тармоқлари ҳам ривожланиб борган. Сардобаларни қуришда жойни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга бўлган. Чунки бундай сардобалар баҳорда атрофдаги нишаблардан тушадиган қор ва ёмғир сувлари ҳисобига тўлдирилган. Сардобалар ўзининг географик жойлашуви, жойнинг табиати, рельефига кўра бир неча хил бўлиши мумкин. Масалан; қорёмғир сувларидан, анҳор-ариқ сувларидан ҳамда ер ости сувларидан - коризлар ёрдамида тўлдириладиган сардобалар бўлганлиги илмий маълумотларда қайд этилган.

Сардобаларнинг жойлашуви ва тузилиш жиҳатидан, унинг девори доира шаклида бўлиб, диаметри 12-14 метр, чуқурлиги эса 10-15 метрни ташкил этган. Ҳовуз юзаси ер сатҳи билан бир текисда бўлган. Умуман олганда сардобалар жойлашувига қараб, ҳажми ва чуқурлиги турлича бўлиши мумкин.

Сардобанинг юқори қисми яъни гумбази сифатли пишиқ ғишт ва ганч билан мустаҳкам қилиб ишланган, тепа қисми туйнукли, атрофларида ҳовузга сув кирадиган махсус тешиклар қилинган.

Сардобаларга кириш учун бир ёки бир нечта эшиклар ҳам ўрнатилган ва унинг олд томони сувни тоза сақлаш мақсадида девор билан ўраб қўйилган. Тозаликка қаттиқ риоя қилган ҳолда сардобага, яъни ичкарига мол, от, қўй, туя қўйилмаган, улар учун сардоба ҳовлисидан ташқарида ёғоч ёки тошдан сув қуйиладиган охурлар ясалган, сардоба ҳовузига тўлдирилган сув тиниқ ва чучук бўлиб, уни уч йилгача ичиш мумкин бўлган. Бу унинг тоза сақланишига боқлиқ албатта. Сардобаларни назорат қилиб турувчи ва тозалаб турувчилар ҳам бўлиб, улар учун махсус хоналар қурилиб, шароитлар яратиб берилган.

Туркманистоннинг Сандиқли чўлида Керки билан Қарши шаҳарларини боғловчи қадимий карвон йўлида XVII асрнинг ўрталарида қурилган «Банги Сувлоқ» сардобаси харобалари сақланиб қолган. Бу сардоба пастликда жойлашган бўлиб,атрофлаги нишабликдан оқиб турувчи қор-ёмғир сувларидан тўлдирилган. Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Қамаши қишлоғида Эшқул Хожи Ҳайит ўғли томонидан 1890 йилда қурилган сардоба ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Сардоба форс-тожик тилида совуқ сув сақлаш учун махсус мўлжаллаб қурилган ва усти гумбазли қилиб ёпилган ҳовуз демакдир.У сув камчил жойларда сувнинг буғланиб кетишига ва ифлосланишига йўл қўймаслик учун қурилган махсус иншоот ҳам ҳисобланади.

Буюк Ипак йўлида қурилган Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси Ўрта Осиёдаги энг кўҳна тарихий меъморий обидалардан бири ҳисобланади. Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган бу меъморий ёдгорлик ҳозирги Навоий шаҳри билан Қизилтепа орасида жойлашган, қадимий Бухоро-Самарқанд йўлининг Малик чўлидаги йирик бекати бўлиб, карвонсарой ва обиҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси Қорахонийлар сулоласига мансуб Бухоро амалдори подшо Малик Шамсул Мулк Носир ибн Иброҳим даврида 1069-1079 йилларда бунёд этилган. Ўз даврининг истеъдодли бинокор усталари томонидан қурилган бу сардобанинг доира шаклидаги деворларининг қалинлиги 1,5 метр, диаметри 12 метрдан ортиқроқ, чуқурлиги эса 15 метрни ташкил этган. Сувнинг тоза сақланиши, салқин бўлиши, исрофланмаслиги ва узоқ сақланиши учун сардобанинг остки қисми пишиқ ғишт, ганч қоришмаси, туя жуни, мол териси билан қаттиқ мустаҳкамланган. Малик сардобаси ва карвонсаройи асрлар давомида эътиборсизликдан, қаровсизликдан нураб, таъмирланмай назардан четда қолиб кетаверган. Мустақиллик йилларида ўлкамиздаги қадимий обидалар қатори Работи Малик сардобасига ҳам эътибор кучайди ва Мустақилликнинг ўн йиллик байрами арафасида бу қадимий ва тарихий обида таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди.

Шундай қилиб, ўлкамизда бунёд этилган сардобаларнинг энг қадимийси мутахассис олимларимизнинг маълумотларига кўра, эрамизнинг IX-X асрларида қурилган. Агар тарихий манбаларга мурожаат қилсак, Абдуллахон II (1583-1598 йиллар) ҳукмдорлиги даврида 500 дан ортиқроқ сардоба ва карвонсаройлар қурилганлигини биламиз.

Мовароуннаҳрда 49 та сардоба бунёд этилган бўлиб, шундан 29 таси Қарши даштида, 3 таси Фарғона водийсида жойлашган бўлса, биттаси Бухоро вилоятидаги (Навоий шаҳрига яқин) Работи Малик Сардобасидир. Маълумотларга кўра, бугунги кунга келиб, республикамиз ҳудудида 9 таси тарихий меъморий ёдгорлик бўлиб сақланиб қолган холос. Ўлкамизда бунёд этилган оби-ҳаёт манбаи ҳисобланган сардобалар XIX асрнинг охиридан бошлаб таназзулга учрай бошлаган. Бунинг асосий сабаблари темир йўлларнинг қурилиши натижасида карвон йўлларида қатнов камайганлиги ҳамда йиллар, асрлар ўтиши билан табиий ҳолда эскириб харобага айланган бўлса, кўпи ташқи босқинчилик урушлари, айниқса чоризм истилосидан сўнг ва унинг ҳукмронлиги даврида ўлкамизнинг тарихий меъморий бинолари шу жумладан сардобаларнинг ҳам кўпи атайлаб бузиб ташланган, ғиштлари турли қурилишларда ишлатиб юборилган.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

● Юз билан юзлашганлар

ЗУРРИЁТЛАРИ ОҒУШИДА

Мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида бўлганидек, Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманида ҳам юз билан юзлашганлар кўпчиликни ташкил қилади.

Ана шундай пиру бадавлат отахонлардан бири Челак шаҳридаги А.Навоий номли маҳаллада истиқомат қилиб келаётган 103 ёшли Жамол ота Йўлдошевдир. Отахон бир умр Охунбобоев номли хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлади, аравакашлик қилди. Айни кунларда 4 фарзанд 28 невара 40 нафар чеваранинг буваси бўлиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Маҳалла аҳли отахоннинг иссиқ-совуғидан тез-тез хабар олиб туришади. Унинг маслаҳатларига амал қилишади. Ана шундай нуронийларимиз бор экан, мамлакатимиздан файз барака аримайди.

Самарқанд вилояти

И.ТЕМИРОВ.

● Тадбиркор саховати

МАҲАЛЛАГА ИНШООТЛАР

Мустақиллик байрами арафасида Навоий вилоятида учта замонавий маҳалла гузари ишга туширилди. Улар асосан тадбиркорлар саховати билан бунёд этилган. Жумладан, Навоий шаҳрида фойдаланишга топширилган Матонат маҳалла фуқаролар йиғини гузари тадбиркор Тошниёз Халилов саъй-ҳаракати мевасидир.

Мазкур шаҳардаги Ишонч маҳалла фуқаролар йиғини гузари Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли 3-автобаза бошлиғи Муталлиб Аҳмедов ва хусусий тадбиркор Ҳамроқул Нуруллаевларнинг ҳомийликлари ва маҳалла фаолларининг фидойилиги билан қуриб битказилди. Зарафшон шаҳридаги Зарапетян маҳалла фуқаролар йиғини гузари эса Навоий тоғ-металлургия комбинати ва Зарафшон йўл қурилиши ташкилотларининг беминнат хизмати эвазига бунёд этилди.

Навоий вилояти

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

● Янгисидан бор

***

— Менга йўталингиз ёкмаяпти.
—Кечирасиз, доктор, мен бундан ортиқ яхши йўталолмайман!?

***

Ёш бола уйига йиғлаб кириб келди.
— Нима бўлди? — сўради ота ўғлидан.
— Ўнинчи синфдаги бир бола мени урди.
— Хўп... Эртага мактабга бораман. Уни танийсанми?
— Энди уни ҳамма танийди. Унинг қулоғи менинг чўнтагимда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

ЭЪЛОНЛАР

Термиз шаҳридаги "Ободончилик" АЖ нинг умумий йиғилиши 2003 йил 27 сентябр куни соат 8.00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади.

Кун тартиби:
1. **Жамиятнинг 2003 йил 6 ойлик иш фаолияти якунлари.**
2. **Жамиятнинг яъни проспект эмиссиясини ўзгартириш ва тасдиқлаш.**
3. **Бошқа ҳар хил масалалар.**

Манзил: Термиз шаҳри Собир Раҳимов кўчаси, 6-уй.
Йиғилишда барча акциадорлар қатнашиши шарт.

Кузатув кенгаши.

Қобилов Шуҳрат Умарович номига берилган ТИКХМИИнинг «Қишлоқ хўжалиги» факультетини 1993 йилда битирганлиги ҳақидаги 016349 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади**

"Inter-Aziya" ТИКТИЧТ корпорацияси таъсарруфидаги Миробод туманн Алимбетова кўчаси 28-уйда жойлашган болалар маҳсулоти ишлаб чиқариш қаҳвахона-чойхонасига тегишли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан 1998 йил Акрамова Феруза Баҳшиллоевна номига берилган 237032 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ДСИ томонидан 2002 йил 2 октябрда Кирғизова Насиба Иргашевна номига берилган 0921317 рақамли экспорт-импорт чакана савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ДСИ томонидан 2003 йил 2 июлда Косанюк Галина Ивановна номига берилган 752 рақамли дорамадлар ва товар операцияларини ҳисоба олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими Ўрта Чирчиқ тумани Муқимий номли маҳалланинг собиқ оқсоқоли, маҳалла фаоли Анвар Мирбобоевга турмуш ўртоғи

ОЗОДА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Мўлжалингиздаги ишларни уддалаш учун сиздан унча кўп куч-ғайрат талаб этилмайди. Омадли кунлардан унумли фойдаланинг.

СИГИР(22.0420.05)
Дам олиш кунларида қизиқарли воқеалар марказида бўлишингизни ҳисоблаб олмаганда, келаси чорашанбагача ҳаётингиз одатдагидек кечади.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)
Шу кунларда катта-кичик муаммоларга кўмилиб қолишингиз мумкин. Лекин сизнинг шижоатингиз учун бу кунлар яхши синов вазифасини ўтайди.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Бир пайтлар узилиб кетган дўстона муносабатларни тиклашга бўлган иштиёқингиз сизга қимматга тушиши мумкин. Тежамкор бўлинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бор касбий маҳоратингизни ишга солишингиз тўғри келади, чунки рахбарингиз сизга ишонч билдириб ўта муҳим вазифани юклайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Кутилмаган вазиятлардан чиқиб кета олиш истаги сизда айни кунларда жуда кучайган. Бундан нафақат бошқаларга, балки ўзингизга ҳам фойда.

КОВҒА (20.01-18.02)
Агар имконини топсангиз, айни кунларда гавқум даврадаларда узоқроқ юриб, кўп вақтингизни одамлардан ҳоли ўтказишга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Иш режаларингизни тузаётганда оила аъзоларингизни ёрдамларини ҳам ҳисобга олинг. Биргаликда ишлаш оилангизга хотиржамлик бағишлайди.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Абдунаби МАННОПОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди КУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

5119 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-824 Топширилди — 1 2 3 4 5